

ЎЗБЕКИСТОН-ЭРОН МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАРГА БИР НАЗАР

Ўқтам Менглиевич Каримов

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази катта ўқитувчиси, резервдаги подполковник

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон ва Эрон халқлари ўртасидаги маданий алоқаларнинг узоқ тарихга эга эканлиги ҳамда ушбу алоқаларни ривожлантиришининг катта имкониятлари мавжудлигига қарамасдан икки давлат ўртасидаги маданий ҳамкорлик Ўзбекистон мустақилликка эришиган пайтдан буён ўтган уч ўн ишллик давомида сиёсий ва мафкуравий сабаблар туфайли унчалик даражада ривожланишига эришимади. Аммо сўнгги бир неча ўн ишл давомида Эрон ташқи сиёсатининг хорижий давлатлар билан муносабатларга оид қисмида юз берган ўзгаришлар, шунингдек, Янги Ўзбекистон даврида Ўзбекистон ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатидаги янги стратегия фонида икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириши ва мустаҳкамлашининг ёрқин истиқболлари кўзга ташланмоқда.

Кўлингиздаги мақолада Ўзбекистон-Эрон маданий алоқаларинининг ҳолати, ушбу алоқаларни ривожлантириши йўлидаги тўсиқлар ва бу йўналишида кейинги вақтларда юз берган ўзгаришлар таҳлил қилиниб, маданий алоқаларни ривожлантириши учун мазкур тўсиқларни олиб ташлаш тўғрисида таклифлар берилган.

Калим сўзлар: Эрон, Ўзбекистон, маданий алоқалар, маданий алмашинув, маданий муштарақликлар, маданий алоқаларни ривожлантириши йўлидаги тўсиқлар.

ABSTRACT

Despite the fact that cultural relations between the peoples of Uzbekistan and Iran have a long history and there are great opportunities for the development of these ties, cultural cooperation between the two countries has not achieved such a level of development due to political and ideological reasons over the past three decades since Uzbekistan gained independence. But for the past few decades, bright prospects for the development and strengthening of cultural relations between the two countries have been striking against the background of changes in the part of Iranian foreign policy regarding relations with foreign countries, as well as a new

strategy in the domestic and foreign policy of the Government of Uzbekistan during the new Uzbek period.

In your hand, the article analyzes the state of Uzbek-Iranian Cultural Relations, the obstacles to the development of these ties and the changes that have occurred in this direction in later times, and offers to remove these obstacles for the development of cultural ties.

Keywords: Iran, Uzbekistan, cultural relations, cultural exchange, cultural partnerships, barriers to the development of cultural ties.

КИРИШ

Ўзбекистон ва Эроннинг бугунги кундаги муносабатлари

Тегишинча Марказий Осиё ва Гарбий Осиёning мухим давлатлари ҳисобланган Ўзбекистон ва Эрон Ўзбекистон мустақилликка эришган пайтдан бошлаб ўзларининг стратегик сиёсий ва иқтисодий эҳтиёжларидан келиб чиқиб ушбу эҳтиёжларни қондириш мақсадида муайян алоқалар ва ҳамкорликни амалга ошириб келмоқдалар.

Эрон Ислом Республикаси 1991 йилнинг 25 декабрида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини расман тан олди, 1992 йилнинг 10 майида эса икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992 йил ноябрь ойида Тошкентда Эрон элчихонаси, 1995 йил май ойида эса Техронда Ўзбекистон элчихонаси ўз ишини бошлади.

Шу пайтга қадар Ўзбекистон Республикаси президентининг Эрон Ислом Республикасига тўртта ташрифи ва Эрон Ислом Республикаси президентининг Ўзбекистон Республикасига учта ташрифи амалга ошди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримов 1992 ва 2003 йиллари расмий ташриф ва 1996 ва 2003 йиллари амалий ташриф билан – Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари саммитларида иштирок этиш мақсадида Эронга борди. Ўтган давр мобайнида Эрон Ислом Республикаси президентлари Ўзбекистонга уч марта ташриф буюрдилар: 1993 йилнинг октябрь ойида Али Акбар Рафсанжоний, 2002 йил апрель ойида эса Сайд Мухаммад Хотамий мамлакатимизга расмий ташриф билан келдилар, 2022 йил сентябрида эса Сайд Иброҳим Раисийнинг қўш ташрифи – ҳам Ўзбекистон раҳбарияти билан икки томонлама музокаралар мақсадидаги расмий ташрифи, ҳам Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш мақсадидаги амалий ташрифи амалга ошди.

Икки давлат президентлари кўп томонлама йиғилишлар доирасида бир неча бор учрашувлар ўтказиши. Жумладан, 2014 йил декабрь ойида Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлиси доирасида Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримовнинг Эрон Ислом Республикасининг ўша пайтдаги президенти Ҳасан Руҳоний билан учрашуви, 2017 йил сентябрь ойида Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг Эрон Ислом Республикасининг ўша пайтдаги президенти Ҳасан Руҳоний билан учрашуви бўлиб ўтди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислом Республикасининг ҳозирги президентлари Шавкат Мирзиёев ва Сайд Иброҳим Раисий Самарқанд учрашувига қадар икки марта – 2021 йил сентябрь ойида Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлиси доирасида ҳамда 2021 йил ноябрь ойида Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари саммити доирасида учрашдилар.

Икки давлат раҳбарларининг ушбу ташрифлари ва учрашувлари давомида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, икки мамлакатнинг икки томонлама ва кўп томонлама форматлардаги ҳамкорлигининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Шу кунга қадар икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларга оид 70 дан ортиқ давлатлараро, хукumatлараро ва идоралараро хужжат имзоланган¹.

Шу кунга қадар икки давлат сиёсий маслаҳатлашувларнинг олти даврасини ўтказган бўлиб, унинг олтинчи давраси 2021 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири ўринбосари Фурқат Сиддиқов ва Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазири ўринбосари Сайд Аббос Ароқчи бошчилигидаги делегациялар иштирокида Техрон шаҳрида бўлиб ўтди².

Икки мамлакат ўртасида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ҳукumatлараро комиссия ишлаб турган бўлиб, унинг охирги – ўн тўртинчи йиғилиши 2022 йил 20-21 февраль кунлари Техронда ўтказилди. Мазкур йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ўринбосари –

¹ Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Среднего, Ближнего Востока и Африки. Узбекско-иранские отношения // <https://mfa.uz/ru/pages/with-asia-africa>;

² Ўзбекистон - Эрон сиёсий маслаҳатлашуви тўгрисида. ЎзА. 22:37 / 08.03.2021 // https://aza.uz/uz/posts/ozbekiston-eron-siyosiy-maslahatlashuvi-togrisida_247286

Инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси иштирок этди.

Ўтган 2021 йили Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги савдо айрибошлиш ҳажми олдинги йилга нисбатан 73% ошиб, 431 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Икки давлат ушбу кўрсаткични яқин йилларда 1 млрд. АҚШ долларига етказишни мўлжаллашмоқда. Ўзбекистоннинг Эронга экспорт қиласиган асосий товарлари пахта, қора ва рангли металл, маъданли ўғит, кимёвий тола ва бошқалар, Эроннинг Ўзбекистонга экспорт қиласиган асосий товарлари эса қурилиш материаллари, электротехника буюмлари, хўл ва қуруқ мевалар ҳамда пластмасса маҳсулотларидан иборат. Бугунги кунда Ўзбекистонда Эрон сармояси иштирокида ташкил этилган 130 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг 20 таси 100% Эрон сармояси асосидадир. Транспорт ва транзит соҳаси ҳам икки мамлакат ҳамкорлигининг энг муҳим соҳаларидан ҳисобланиб, Эрон Ўзбекистоннинг экспорт ва импорт юкларини ташиб учун энг муҳим транспорт ва транзит коридорларидан бири ҳисобланади³.

2022 йил Ўзбекистон ва Эрон муносабатларида муҳим воқеаларга тўла йил бўлди. Март ойида Эрон Ислом Республикаси Миллий хавфсизлик Олий кенгashi котибининг, июль ойида эса Эрон Ислом Республикаси парламенти – Исломий Кенгаш Мажлиси раисининг Ўзбекистонга илк ташрифлари амалга ошиди. Али Шамхоний – Эрон Миллий хавфсизлик Олий кенгashi котиби ташрифи чоғида икки давлат ўртасида Хавфсизлик бўйича қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди⁴. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдураҳмоновнинг март ойида Эронга ҳамда Эрон Ислом Республикаси президентининг фан ва технологиялар бўйича ўринбосари Сурено Сатторийнинг июль ойида Ўзбекистонга амалга оширган ташрифлари давомида фан, технологиялар ва инновациялар соҳаларидаги ҳамкорлик бўйича муҳим ҳужжатлар имзоланди. Сатторийнинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Эроннинг 30 та инновацион компанияси вакиллари иштирокида Ўзбекистон-Эрон илм-фан ва инновация форуми бўлиб ўтди⁵.

³ Эрон ва Ўзбекистон Президентларининг учрашуви — икки давлат муносабатлари бурилиш нуқтаси ва ёруғ истиқбол белгисидир. ЎзА. 18:42 / 12.09.2022 // https://uz.a.uz/posts/eron-va-ozbekiston-prezidentlarining-uchrashuvi-ikki-davlat-munosabatlari-burilish-nuqtasi-va-yorug-istiqbol-belgisidir_406654

⁴ Хавфсизлик бўйича Ўзбекистон ва Эрон ҳамкорлиги йўлга кўйилди. ЎзА. 21:00 / 09.03.2022 // https://uz.a.uz/posts/havfsizlik-boyicha-ozbekiston-va-eron-hamkorligi-yolga-qoyildi_353606

⁵ Ўзбекистон - Эрон илм-фан ва инновация форуми бўлиб ўтди. ЎзА. 21:40 / 20.07.2022 // https://uz.a.uz/posts/ozbekiston-eron-ilm-fan-va-innovaciya-forumi-bolib-otdi_391609

Эрон Ислом Республикаси президенти Сайд Иброҳим Раисийнинг Ўзбекистоннинг олий раҳбарияти билан икки томонлама музокаралар ўтказиш ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш мақсадида Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳрига ташрифи биргина 2022 йилда эмас, балки икки давлат муносабатларининг ўтган ўттиз йили давомидаги ўзаро алоқаларнинг энг муҳим воқеаларидан бири бўла олади. Раисийнинг Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев томонидан «тарихий ташриф» деб баҳоланганд ушбу ташрифи давомида икки мамлакатнинг сиёsat, хавфсизлик, савдо-иктисодиёт, инвестициялар, транспорт-транзит, фан, технологиялар ва маданият соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришнинг асосий ва устувор ўйналишлари белгилаб олинди ҳамда мазкур ўйналишлар бўйича 18 та муҳим ҳужжат имзоланди. Бундан ташқари Эрон президентининг ушбу ташрифи чоғида Эрон Ислом Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлат мақомини олиш мажбуриятлари тўғрисидаги меморандуми имзоланиб, шу тариқа Эроннинг мазкур ташкилот аъзолигига қабул қилиниши жараёни бошланди⁶.

Ўзбекистон ва Эрон халқлари ўртасидаги маданий алоқаларнинг узоқ тарихга эга эканлиги ҳамда ушбу алоқаларни ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжудлигига қарамасдан икки давлат ўртасидаги маданий ҳамкорлик Ўзбекистон мустақилликка эришган пайтдан буён ўтган уч ўнийиллик давомида сиёсий ва мафкуравий сабаблар туфайли унчалик даражада ривожланишга эришмади. Аммо сўнгги бир неча ўн йил давомида Эрон ташқи сиёсатининг хорижий давлатлар билан муносабатларга оид қисмида юз берган ўзгаришлар, шунингдек, Янги Ўзбекистон даврида Ўзбекистон хукуматининг ички ва ташқи сиёсатидаги янги стратегия фонида икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг ёрқин истиқболлари кўзга ташланмоқда.

2. Эрон ва Туркистон маданий алоқалари ўтмиши

Эроннинг тарихий манбаларда Турун ва Туркистон номлари била машхур бўлган, бутунги Ўзбекистон унинг қоқ ўртасида жойлашган Марказий Осиё минтақаси билан маданий алоқалари, ҳамкорлиги ва алмашинуви мавзуси, бир томондан, ўта кенг мавзу бўлиб, бир мақоланинг бир фасли доирасида унинг

⁶ Ўзбекистон – Эрон муносабатларида янги давр. ЎзА. 02:19 / 15.09.2022 // https://aza.uz/uz/posts/ozbekiston-eron-munosabatlarida-yangi-davr_407501

барча жиҳатларига тўхталиб ўтишимизнинг иложи йўқ, иккинчи томондан, анча кенг ўрганилган бир мавзу бўлиб, бизнинг қайтадан тадқиқ қилишимиз ва кўрсатиб беришимизга ҳожат йўқ. Шунга кўра биз ушбу фаслда мавзунинг муҳим жиҳатлари ва хусусиятларига умумий тарзда тўхталиб ўтамиз.

Эрамиздан аввалги III-I минг йилликларда хинд-эрон халқарининг бугунги Россия жанубидаги даштиклардан Эрон ва Марказий Осиё ерларига кўчиб ўтганидан кейинги эроний ва туркий халқлар қўшничилигининг бошланиши вақтини нафақат ушбу халқлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг, балки маданий алоқалар ва алмашинувнинг ҳам бошланиш вақти деб билиш мумкин. Бироқ тарихий Эрон ва Турон ўлкалари ўртасидаги маданий ҳамкорлик ва алмашинувнинг илк институтлашган шакллари эрамиздан аввалги VI-V асрларда Ўрта Осиё Эронда мавжуд бўлган Аҳамонийлар империясига тобе ўлкалардан бирига айланган⁷ вақтда кўзга ташланди. Бу даврда юз берган маданий алмашинувнинг энг муҳим воқеаларидан бири зардўштийлик динининг ҳар иккала ўлкада ёйилиши бўлди⁸. Эрамиздан аввалги IV асрда Александр Македонскийнинг (эр. авв. 356-323) минтақамизга ҳужуми, кейин эса Салавкийлар давлати (эр. авв. 312-64) ҳукмронлиги Эрон ва Турон ўлкаларида яшовчи халқларнинг ўзаро бордикелдилари, савдо-иқтисодий ва маданий алмашинувларининг ошишига сабаб бўлди.

Эрон-Турон маданий алмашинувининг янги тўлқини Эрондаги Сосонийлар давлатининг (224-651) Марказий Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатган Турк хоқонлиги (552-704) билан қўшнилиги пайтида юз берди. Моний⁹ ва христиан¹⁰ динларининг Эрон орқали Марказий Осиёга кириб келиши, турклар билан Марказий Осиёда яшовчи эроний халқ – сўғдлар ўртасида илк турча сўзларнинг сўғд тилига ҳамда илк сўғдча ёки форсча сўзлар ва ибораларнинг турк тилига кириб келиши, Марказий Осиёда турк ва сўғд

⁷ Бартольд В.В. Сочинения. Том 2. Часть 1. Общие работы по истории Средней Азии [Ответственный редактор тома: Б. Г. Гафуров. 1-я часть II тома подготовлена к изданию В. А. Ромодиным и Б. Я. Стависким]. – М.: Изд-во Восточной литературы, 1963. С. 171.

⁸ Malandra William W. (2009). Zoroaster ii. General Survey. Encyclopædia Iranica. // <https://iranicaonline.org/articles/zoroaster-ii-general-survey>

⁹ Хуастванифт (Манихейское покаяние в грехах) / Предисловие, транскрипция уйгурского текста, перевод Л. Ю. Тутушевой; комментарий А. Л. Хосроева. — СПб : Нестор-История, 2008. С. 7-9.

¹⁰ Бируни Абурайхан. Т. I // Памятники минувших поколений. — Ташкент: Издательство УзбССР, 1957. С. 330; Бадер А., Гаивов В., Кошеленко Г. Мервская метрополия Архивная копия от 7 июля 2012 на Wayback Machine//Традиции и наследие Христианского Востока. Материалы международной конференции. Москва: Индрик, 1996.

тиллари қўллануви кўринишидаги икки тилли муҳитнинг шаклланиши¹¹, туркларнинг ўzlари томонидан яратилган ва уларнинг асосий ёзуви ҳисобланган турк (ўрхун) ёзувидан ташқари сўғд ёзуви асосида турк алифбосининг «уйғур ёзуви» деб номланган янги бир турининг вужудга келиши¹², шунингдек, икки халқ меъморчилиги, шаҳарсозлиги ва тасвирий санъати анъаналари ва усулларининг ўзаро таъсири¹³ кўринишидаги маданий алоқалари бу даврда эронликлар ва турклар ўртасидаги маданий алмашинувнинг энг муҳим натижалари ва самараларидан ҳисобланади.

Ушбу минтақадаги барча халқларни бир маданий муҳитга киргизган ислом динининг ёйилиши Эрон ва Туркистон ўртасидаги маданий алоқалар ва алмашинувнинг янги даврини бошлаб берди. Исломга қадар ҳам ўзаро маданий алоқалар ва алмашинувга эга бўлган ҳамда бир-бирини яхши билган эроний ва туркий халқлар диндош бўлганларидан кейин ушбу алоқалар ва алмашинувни кенгайтирдилар ва кучайтирдилар. Эрон ва Туркистон халқларини бир-бирига боғлаб турувчи энг муҳим ришталардан бири сифатида, муштарак диндан ташқари, форс тилини эслатиш мумкин. Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги замонида (875-999) Мовароуннахрнинг сарой тили, яъни давлат тилига айланган форс тили Марказий Осиёда ҳукм сурган кейинги туркий давлатлар – Қорахонийлар (927-1211), Хоразмшоҳлар (1097-1231), Чигатой улуси (1224-1340), Темурийлар (1370-1507), Шайбонийлар (1500-1601) ва Аштархонийлар (1601-1785) давлатлари ҳамда ўзбек хонликлари – Хива хонлиги (1511-1920), Бухоро амирлиги (1785-1920) ва Кўқон хонлиги (1709-1876) ҳукм сурган даврларда ушбу давлатларда ҳукмрон бўлган турк тилидан ташқари хужжатлар ва ёзишмалар олиб бориладиган икки расмий тилдан бири сифатидаги эътибори ва мақомини сақлаб қолди. Шунингдек, Туркистоннинг ислом даври бошларидан бу ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилгунига қадар кечган вақт мобайнида форс тили, туркий ва араб тиллари билан бир қаторда, илм-фан ва адабиётнинг уч тилидан бири сифатида эътиборга эга эди¹⁴. Темурийлар давридан кейин туркий тилнинг сарой, илм-фан ва адабиёт тили сифатида борган сари кўпроқ қўлланилиши ҳамда араб ва форс тилларининг тобора камроқ қўлланила боришига қарамасдан, форс тилидан илм-фан ва адабиёт

¹¹ Отажўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Монография. –Т.: ART-FLEX, 2010. С. 57.

¹² Отажўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. С. 57.

¹³ Отажўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. С. 62-63.

¹⁴ Уостиндж Э. Внешняя культурная политика Ирана в Центральной Азии: демонстрация политического pragmatizma // Центральная Азия и Кавказ. – 2014. Том 17. Выпуск 4. С. 132.

тили сифатида фойдаланиш XX аср бошларига қадар муайян даражада сақланиб қолди.

Бошқа бир томондан Сосонийлар давридан бошлаб Туркистон туркларининг Эрон ва эронийлар билан кўшнилиги турк тилининг Эрон ерларига, туркча сўзларнинг эса форс тилига кириб боришига сабаб бўлди. Фазнавийлар (977-1186), Салжуқийлар (1037-1194), Хоразмшоҳлар (1097-1231), Темурийлар (1370-1507), Сафавийлар (1501-1736), Афшорлар (1736-1796) ва Кожорлар (1795-1925) каби туркий сулолаларнинг Эронда узоқ муддат давом этган ҳукмронлиги эронийлар ва турклар ўртасидаги маданий алмашинувнинг энг муҳим унсурларидан бири бўлмиш туркий тилнинг Эрондаги мавқенини мустаҳкамлади¹⁵.

3. Эроннинг Марказий Осиёдаги маданий сиёсати

XX асрнинг 90 йиллари бошларида Совет Иттифоқи парчаланиб, Марказий Осиё республикалари мустақилликка эришгач, Эрон ушбу республикалар билан дипломатик муносабатлар ва иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш ортидан эндиғина мустақил бўлган ушбу давлатлар билан маданий алоқалар ўрнатишга ҳам киришди. Марказий Осиё давлатларидан айримларининг Эрон ислом инқилобининг ушбу давлатларга экспорт қилинишидан хавотирланганликларига қарамасдан Эроннинг ушбу давлатларга нисбатан муносабати диний унсурлардан холи бўлди. Чунки, бир томондан, ташқи сиёсат стратегияси бўйича экспертларнинг кўпчилиги Эрон Ислом Республикаси ташқи сиёсатининг марказий унсури маданиятдан иборат деган қарашга эга бўлган бўлсалар-да, ҳақиқатда Техроннинг Марказий Осиё ва Кавказдаги постсовет республикаларидағи сиёсати бу давлатнинг маданий жиҳатларга эмас, балки хавфсизлик ва иқтисодиёт масалаларига ургу беришини кўрсатди¹⁶. Бошқа бир томондан, бугун Эрон ташқи сиёсатида инқилобий исломчилик ва инқилобни экспорт қилиш эмас, балки прагматизм ва *realpolitik*ни англаб етиш устунлик қиласи¹⁷.

Марказий Осиё республикалари мустақилликка эришганларидан кейин кўпгина сиёсатшунослар ислом инқилобини экспорт қилиш воситасида Эроннинг минтақадаги таъсири анчагина ошишини прогноз қилишди. Бироқ

¹⁵ سجاد آیندو. نگاهی به واژه های ترکی شاهنامه فردوسی // متن شناسی ادب فارسی (علمی-پژوهشی) دانشکده ادبیات و علوم انسانی- دانشگاه اصفهان. دوره جدید، شماره 2 (پیاپی 24) تابستان 1396؛ صص 11-12؛ موسوی، مصطفی. واژگان ترکی و مغولی تاریخ جهانگشای جوینی // آینه میراث. سال نهم. شماره سوم و چهارم (پیاپی 30-31). ص 57.

¹⁶ Byman D. et al. Iran's Security Policy in the Post-Revolutionary Era. Santa Monica, CA: RAND, 2001. P. 7.

¹⁷ Джонстон Уильям. Культурная политика Ирана в республиках Центральной Азии и Южного Кавказа после 1991 года // Центральная Азия и Кавказ. №4 (52), 2007. С. 126.

Эрон бу давлатлар билан маданий алоқалар ўрнатишида ва ушбу алоқаларни мустаҳкамлашда ислом инқилобидан фойдаланмади¹⁸. Дин Эрон ташқи сиёсатида муайян ўрин тутса-да, бу давлат Марказий осиё давлатлари билан муносабатлари учун дунёвийликка асосланган ташқи сиёсат курсини ишлаб чиқди¹⁹. Эроннинг Марказий Осиё давлатлари билан маданий алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган уринишлари мусулмон аҳолига эга ушбу давлатларда ислом инқилобини тарғиб этишга эмас, балки ушбу давлатларнинг Эрон билан тарихий алоқаларига ургу беришга таянган ҳолда амалга оширилди²⁰.

XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги бошларида Эрон ташқи маданий сиёсати жиддий ўзгаришга учраб, «Гарб маданий таъсири билан кураш»дан «цивилизациялар диалоги»га ўзгарди²¹. Эрон Ислом Республикаси президенти Сайд Муҳаммад Хотамий (1997-2005 йиллар) томонидан Эрон халқ дипломатиясининг муҳим унсурларидан бири сифатида ўртага ташланган цивилизациялар диалоги лойиҳаси сўнгги ўн йилликларда маданий ва тарихий муштаракликлардан минтақа мамлакатлари, жумладан Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни ривожлантириш учун асос сифатида фойдаланишга уринаётган Эроннинг ташқи маданий сиёсатига мувофиқдир²². Эронлик тадқиқотчи Аҳмад Нақибзоданинг фикрича, Эроннинг Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларда маданий муштаракликларга ургу беришининг асосий сабаби шундан иборатки, Эрон Марказий Осиёда глобал ва трансминтақавий державалар билан иқтисодий ва сиёсий рақобат қилиш имкониятига эга бўлмаганлиги сабабли ушбу давлатлар билан алоқаларни маданият асосида ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга эҳтиёж сезган эди²³.

4. Ҳозирги даврдаги Ўзбекистон-Эрон маданий алоқалари

4.1. Мустаҳмиллик бошларидан Янги Ўзбекистон давригача бўлган маданий алоқалар. Асосий тўсиқлар

¹⁸ Джонстон Уильям. Культурная политика Ирана в республиках Центральной Азии и Южного Кавказа после 1991 года. С. 134.

¹⁹ Peimani H. regional Security and the Future of Central Asia: The Competition of Iran, Turkey and Russia. Westport. Connecticut: Praeger, 1998. P. 32.

²⁰ Джонстон Уильям. Культурная политика Ирана в республиках Центральной Азии и Южного Кавказа после 1991 года. С. 134.

²¹ Боголюбова Н.М., Николаева Ю.В. Внешняя культурная политика современного Ирана: Российский вектор // ПОЛИТЭКС. 2020. Том 16, № 1. С. 101-102.

²² Уостиндж Э. Внешняя культурная политика Ирана в Центральной Азии: демонстрация политического pragmatizma. С. 132.

²³ نقیب زاده احمد. ایران کانون چند زیرسیستم منطقه ای // مطالعات اور اسیا ہر کمزی، سال دوم، شمارہ 5، زمستان 1388. صص 144-145.

Юқорида айтиб ўтилганидек, кўплаб тарихий-маданий муштаракликларга эга бўлган икки давлат – Ўзбекистон ва Эрон маданий алоқалари Ўзбекистон мустақилликка эришган пайтдан буён ўтган уч ўнийиллик давомида сиёсий ва мафкуравий сабаблар туфайли унчалик даражада ривожланишга эришмади. Шунчалик даражадаки, Эроннинг Марказий Осиё давлатлари билан маданий алоқаларининг энг паст даражаси ҳам Ўзбекистон билан бўлган алоқаларда кузатилди²⁴. Бироқ бу икки давлат умуман маданий алоқаларга эга эмас, деган маънони билдирамайди. Ўзбекистон 1991 йили мустақилликка эришганидан бошлаб бошқа қўшни ва минтақа давлатлари қаторида Эрон Ислом Республикаси билан ҳам мувозанатлаштирилган сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларга эга бўлишга, шу орқали ўзининг энг муҳим эҳтиёжларидан бири бўлмиш экспорт ва импорт юкларини ташиш учун транспорт-транзит йўлакларига бўлган эҳтиёжни қондириш имкониятини яратишга ҳаракат қилди.

Жумладан, 1993 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида Эроннинг ilk маданий кўргазмаси (китоб кўргазмаси шаклида) ташкиллаштирилди²⁵. 2006 йилнинг ноябррида Тошкентдаги Санъатшунослик институти биносида икки мамлакат экспертлари иштирокида «Ўзбекистон-Эрон маданий алоқалари: Исфаҳон санъати ва минтақаларaro санъат анъаналари» халқaro конференцияси бўлиб ўтди²⁶. 2007 йил баҳорида Тошкентда Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинганлиги муносабати билан Эрон ва Ўзбекистон миниатюра ва хаттотлик кўргазмаси ўтказилди²⁷.

1997 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари маркази ўртасида форс тилидаги қўёзма асарлар каталогини тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Уч йилдан кейин – 2000 йили уч жилдда нашр қилиниши мўлжалланган мазкур каталогнинг биринчи жилди босмадан чиқди²⁸.

²⁴ Уостиндж Э. Внешняя культурная политика Ирана в Центральной Азии: демонстрация политического pragmatизма. С. 143.

²⁵ Месамед В.И. Иран в Центральной Азии: два десятилетие диалога / В.И. Месамед. -М.: Институт Ближнего Востока, 2010. С. 80.

²⁶ www.irna.ir 03.11.2006.

²⁷ www.press-uz.info 21.02.2007.

²⁸ Эрназаров Т. О научных связях Института востоковедения АН РУ с зарубежными ориенталистами // Общественные науки в Узбекистане, 2001, №3. С. 51.

Эроннинг Тошкентдаги элчихонаси маданият бўлими ҳамкорлиги ва молиялаштириши билан бир неча таълим ва тадқиқот лойиҳалари амалга ошиилган бўлиб, охирги ярим аср давомида Ўзбекистондаги эроншунослик соҳасининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган «Ўзбекистон эроншунослари» тўплами шулар жумласидандир²⁹. Шунингдек, Эроннинг техник ва молиявий кўмаги билан бир неча форс тили дарслиги нашр этилди. Бундан ташқари Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хузуридаги Сиёсий ва халқаро тадқиқотлар институти ҳамкорлигига Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримовнинг бир нечта китоби форс тилига таржима қилиниб, нашр этилди³⁰.

Эрон Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти ва бошқа бир неча олий ўкув юртида Эроншунослик хоналарининг очилиши ва жиҳозланишига ёрдам берди. 2007 йилнинг март ойида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети Фалсафа факультетида ўн еттинчи Эроншунослик хонаси очилди. Ушбу хоналар талабалар учун бугунги Эрон маданияти ҳамда ушбу мамлакатнинг маданий ва илмий ютуқлари билан чуқурроқ танишиш имкониятини яратади³¹.

Эронлик санъат аҳли Самарқандда бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, Шахрисабзда ўтказиладиган Халқаро мақом санъати анжумани, турли шаҳарларда ўтказиладиган Халқаро баҳшичилик санъати фестивали, Кўқон шахрида бўлиб ўтадиган Халқаро ҳунармандчилик фестивали ҳамда Тошкент халқаро кинофестивалида мунтазам тарзда иштирок этиб келишмоқда³².

Буларнинг барчасига қарамасдан маданият ва олий таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимларнинг мавжуд эмаслиги икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларнинг институтлаштирилмаганлигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида бу соҳадаги алоқалар йўлида муайян тўсиқлар ва муаммолар мавжудлигидан дарак беради. Бизнинг назаримизда қуйидаги уч

²⁹ دکتر ملک عبدالصمداف و دکتر جعفر محمد خالمومن اف. ایران شناسان ازیستان // رایزنی فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران. ازبکستان. تاشکند. - تهران: انتشارات بین المللی مهدی، 2005/1384.

³⁰ اسلام کریم اف. اصلاحات اقتصادی در ازبکستان. با مقدمه محسن پاک آیین // دفتر مطالعات سیاسی و بین المللی. - تهران, 2006/1385.

³¹ Месамед В.И. Иран в Центральной Азии: два десятилетие диалога / В.И. Месамед. -М.: Институт Ближнего Востока, 2010. С. 82.

³² Ўзбекистон - Эрон: дипломатик алоқаларга 28 йил. Дунё АА. 09.05.2020 // https://dunyo.info/cyril/site/inner/ozbekiston - eron_diplomatik aloqalarga 28 yil-YVq; “Ипак йўли дурдонаси” XIV Халқаро Тошкент кинофестивали. ЎзА. 14:01 / 23.09.2022 // https://uz.a.uz/uz/posts/ipak-yoli-durdonasi-xiv-halqaro-toshkent-kinofestivali-haqida-oylar_410257

масалани Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон сиёсий элитаси томонидан Эрон билан маданий алоқаларни ривожлантириш йўлидаги асосий тўсиқлар сифатида талқин қилинадиган масалалар сифатида эслатиш мумкин:

1. Эрон ислом инқилобини экспорт қилиш концепцияси. Бу масала, ҳақиқатда, Марказий Осиё давлатлари сиёсий элитасининг хавотирланишлари ва Эрон билан яқин алоқалардан сақланишларига сабаб бўлган илк ва энг муҳим масала ҳисобланади. Бироқ Эрон XX асрнинг 90 йиллари бошларида Марказий Осиёning эндиғина мустақилликка эришган давлатлари билан алоқалар ўрнатиши бошлаётган чоғларида Эрон ислом инқилобини экспорт қилиш концепцияси, ё ўзгаришга учради, ё умуман Эрон ташқи сиёсатида устувор вазифа бўлмай қолди. Нима бўлганда ҳам Эрон ўзининг Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларини ташкиллаштираётганида ислом инқилобини экспорт қилиш концепциясидан фойдаланмади ёки, умуман, ушбу давлатларга ислом инқилобини экспорт қилишни мақсад қилиб қўймади³³. Марказий Осиёдаги айрим давлатларнинг мустақиллик даври бошларидаги хавотирланишларига қарамасдан минтақада ислом инқилоби ғояларининг ёйилиши юз бермади. Бир оз муддатдан кейин эса Эрон ислом инқилобининг минтақага «экспорт қилиниши» хавфи ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотди. Шунга қарамасдан Эрон ислом инқилобининг турлича шаклларда экспорт қилинишидан хавотирлар бутунлай йўқолгани йўқ.

2. Ўзбекистонда яшовчи тожиклар сепаратизмини қўллаб-қувватлаш эҳтимоли. Эроннинг барча даражалардаги вакилларининг Ўзбекистондаги Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари аҳолисининг форсийзабон эканлиги тўғрисидаги муболағаомиз уқтиришлари, шунингдек, улар томонидан Ўзбекистондаги тожиклар сонининг ҳаддан ортиқ кўпайтириб (10-15 миллион нафар атрофига), бу мамлакатдаги тожик тилининг ёйлиш майдонининг эса ҳаддан ортиқ кенгайтириб кўрсатилиши³⁴ Ўзбекистон илмий доираларининг ҳақли эътиrozларига ҳамда Ўзбекистон расмийларининг ҳақли хавотирланишларига сабаб бўлди. Улар барча ўринларда ҳам ҳақиқатга тўғри келавермайдиган мазкур муболағаомиз уқтиришлар замирида Эроннинг

³³ Мехдиев Э.Т. Состояние и перспективы отношений Ирана со странами Центральной Азии и Закавказья. // Междунородные отношения, №4, 2017. С. 2.

³⁴ Бу тўғрида қаранг: حسینی پور، مسعود. زبان فارسی: از فارسی به تاجیکی / شرح کتاب پروفسور لوتز ژهانک، استاد دانشگاه هومبولت برلین // مجله بخارا. مرداد و شهریور 1392 - شماره 94. صص 53-84؛ اسماعیل حسن زاده، احمد امیری خراسانی. زبان فارسی-گویش تاجیکی // مجموعه مقالات یازدهمین گردهمایی بین المللی انجمن ترویج زبان و ادبیات فارسی. رشت. دانشگاه گیلان. شهریور 1395. صص 725-705؛ شهره جوادی. پاره های گمگشته ایران هنر و تمدن در خراسان بزرگ و ماوراء النهر آسیای میانه // فصلنامه هنر و تمدن شرق. سال دوم. شماره ششم. زمستان 1393. صص 10-21 وغیره.

келажакда Ўзбекистондаги тожик сепаратизмини қўллаб-қувватлаши эҳтимолини кўрдилар ёки бундай уқтиришлар Ўзбекистонда, жумладан Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида тожиклар сепаратистик ҳаракатининг вужудга келишига сабаб бўлади, деган холосага келдилар³⁵. Бундан ташқари Ўзбекистон ва Тожикистон мустақиллигининг илк икки ўн йиллигидан ортикроқ даврда эронлик тадқиқотчилар, эксперталар ва таҳлилчиларнинг Тожикистонни унинг Ўзбекистон билан конфронтациясида доимий, мунтазам, қатъий ва ўта қўпол тарзда қўллаб-қувватлашлари, жумладан уларнинг Тожикистоннинг (илмий, экспертизик ва расмий доиралар даражасида) нафақат Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига, балки Ўзбекистон вилоятларининг ярмидан қўпига бўлган худудий даъволарини қўллаб-қувватлашлари³⁶ нафақат ўзбекистонлик тадқиқотчилар, эксперталар ва таҳлилчиларнинг ҳақли эътиrozларига, балки Ўзбекистон расмийларининг хавотирланишларига ва Эрон билан алоқалар, жумладан маданий алоқаларни ривожлантиришдан тийилишларига сабаб бўлди. Бугунги кунда Эрон хукумати ва расмий доиралари Тожикистонни Ўзбекистон қархисида ёки Тожикистон сиёсий ва экспертизик доираларининг Ўзбекистондаги гўёки тожик шаҳарлар ва вилоятларга худудий даъволарини очиқ-ойдин ва расмий даражада қўллаб-қувватлашдан тийилаётган бўлсалар-да, эронлик тадқиқотчилар, эксперталар ва таҳлилчилар томонидан шундай қўллаб-қувватлашнинг давом этаётганлиги³⁷

³⁵ Холмуродова Зарина Исмоиловна. Взаимоотношение Ирана и стран Центральной Азии: состояние и перспективы // Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата политических наук. Душанбе, 2018. С. 17.

³⁶ *Бу тўғрида қаранг:*

оли козе گр كالجي. بهبود مناسبات ازبکستان و تاجیکستان؛ آیا خواب دوشنبه و تاشкند تعبیر خواهد شد؟ // موسسه مطالعات ایران و اوراسیا (ایران)، 27 فروردین 1396: <http://www.iras.ir/fa/doc/note/3136>؛oli kozeh گr كالجي. دلaili و piyamdehaye gheraminti sazi dr rovabot azbukistan و tajikistan // felsnameh علمي mataluat asiyai merkzi و qafqaz. dorah 24, shmarah 104 ، bemen 1397 ، صفحه 119-156.؛oli kozeh گr كالجي. tamli br وضعیت تاجیکان ازبکستان در دوره رهبری شوکت میرضیايف // morsseh mataluat rahbari shor. 18 asfand 1397: <https://www.ies.ir/fa/note/1872>؛شقایق حیدری. شکاف تاجیک ازبک در ازبکستان؛ علل و زمینه ها // morsseh ayindeh pirozehi jahan aslam، 15 mehr 1396: <http://www.iwfs.com/islam-world/islam-world-notes-and-papers/869>؛ دستاوردهای مهم کاہش تنش ازبکستان و تاجیکستان. // شبکه مطالعات سیاستگاری عمومی، 4 مهر 1397: <http://npps.ir/ArticlePreview.aspx?id=182286>؛ حبیب الله ابوالحسن شیرازی. روابط خارجی جمهوری اسلامی ایران و تاجیکستان؛ بستر های همگرایی و زمینه های واگرایی // felsnameh mataluat rovabot bin mell، sal yazdemem، shmarah 42. تابستان 1397. صص 40-9.

³⁷ *Бу тўғрида қаранг:*

оли козе گr كالجي. بهبود مناسبات ازبکستان و تاجیکستان؛ آیا خواب دوشنبه و تашкend تعبیر خواهد شد؟ // موسسه مطالعات ایران و اوراسیا (ایران)، 27 فروردین 1396: <http://www.iras.ir/fa/doc/note/3136>؛oli kozeh گr كالجي. دلaili و piyamdehaye gheraminti sazi dr rovabot azbukistan و tajikistan // felsnameh علمي mataluat asiyai merkzi و qafqaz. dorah 24، shmarah 104 ، bemen 1397 ، صفحه 119-156.؛oli kozeh گr كالجي. tamli br وضعیت تاجیکان ازبکستان در دوره رهبری شوکت میرضیايف // morsseh mataluat rahbari shor. 18 asfand 1397: <https://www.ies.ir/fa/note/1872>؛شقایق حیدری. شکاف تاجیک ازبک در ازبکستان؛ علل و زمینه ها // morsseh ayindeh pirozehi jahan aslam، 15 mehr 1396: <http://www.iwfs.com/islam-world/islam-world-notes-and-papers/869>؛ دستاوردهای مهم کاہش تنش ازبکستان و تاجیکستان. // شبکه مطالعات سیاستگاری عمومی، 4 مهر 1397: <http://npps.ir/ArticlePreview.aspx?id=182286>؛ حبیب الله ابوالحسن شیرازی. روابط خارجی جمهوری اسلامی ایران و تاجیکستان؛ بستر های همگرایی و زمینه های واگرایی // felsnameh mataluat rovabot bin mell، sal yazdemem، shmarah 42. تابستان 1397. صص 40-9.

Эрон ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий алоқаларнинг ривожланиши йўлидаги энг муҳим тўсиқлардан ҳисобланади.

3. «Буюк Эрон» концепцияси ёки «Ўзбекистон Эронники бўлган».

Паҳлавийлар даврида (1925-1979) ўртага ташланган ва Ислом Республикаси даврида сақлаб қолдирилган «Буюк Эрон» концепцияси муаллифларининг фикрича, бугунги Марказий Осиё минтақаси нафақат Эрон маданиятидан таъсир олган, балки Қадимий Эроннинг бир қисми бўлиб, ушбу минтақада Россия ҳукмронлиги ўрнатилгунига қадар Эрон вилоятларидан бири ҳисобланган. Бундан ташқари «Буюк Эрон» концепцияси тарафдорлари Марказий Осиёда қадим замонлардан туркий халқлар яшаганлиги ва туркий маданият мавжуд бўлганлигини, шунингдек, туркий халқларнинг Марказий Осиё цивилизацияси ривожи ва такомилидаги ролини кўрмасликка олишга уринишади³⁸. Ҳолбуки Ўзбекистон тарих фанининг таъкидлашича, Турон, Туркистон ва Мовароуннаҳр номлари билан машҳур бўлган Марказий Осиё минтақаси аввал бошдан нафақат жуғрофий нуқтаи назардан, балки ирқий-этник ва маданий-цивилизацион жиҳатдан ҳам Эрондан алоҳида бўлиб, Эрон билан ўхшашликлар ва муштарақликларгагина эга. Ўзбекистонлик тарихчиларнинг фикрича Туркистон (Марказий Осиё) фақатгина Эрондаги Аҳамонийлар давлати (эр. ав. 550-329) даврида ҳамда Парфия (эр. ав. 250 – эр. 227) ва Сосонийлар (224-651) давлатлари ҳукмронлиги даврининг кичикроқ бир қисмларида Эронга тобе бўлган, тарихнинг аксарият давларидан, жумладан Туркистоннинг туркий давлатлари ҳисобланмиш Фазнавийлар (977-1186), Салжуқийлар (1037-1194), Хоразмшоҳлар (1097-1231) ва Темурийлар (1370-1507) замонларида эса Эрон Туркистонга тобе бўлган, турклар қадим замонлардан бу минтақада яшаб келганлар ва Туркистон цивилизациясининг яратилишида асосий роль ўйнаганлар³⁹. Қизиги шундаки, ўзбек тарихчилари Эронда ҳукмронлик қилган туркий сулолалар – Сафавийлар (1501-1736), Афшорлар (1736-1796) ва Қожорлар (1795-1925) давлатларини туркий давлатлар ёки Туркистон давлатлари деб ҳисобламайдилар. Ҳолбуки, эронлик тарихчилар туркий Сомон сулоласи⁴⁰ томонидан асос солинган, бироқ сиёсий

³⁸ Бу тўғрида қаранг:

هدانی، آریتا. ماوراءالنهر از آغاز تا امروز // مؤسسه مطالعات ایران و اوراسیا. سال 4 شماره 4 سال 1388. صص 32-5؛ ابراهیم خدایار. حوزه فرهنگی-تمدنی ایران در آسیای مرکزی // فصلنامه مطالعات ملی؛ سال چهاردهم، شماره 2، 1392. صص 48-27؛ شهره جوادی. پاره های گمگشته ایران هنر و تمدن در خراسان بزرگ و ماوراءالنهر آسیای میانه // فصلنامه هنر و تمدن شرق. سال دوم. شماره ششم. زمستان 1393. صص 21-10.

³⁹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) // Масъул мухаррир: Б. Ахмедов. – Т.: «Шарқ», 2001; Аскarov A. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи. - Тошкент: Университет, 2007.

⁴⁰ Камолиддин Ш.С. Происхождение Саманидов. Ташкент: IFEAC, 2008.

маркази аҳолиси форсийзабон бўлган Сомонийлар (875-999) давлатини эроний давлат сифатида таниширишади.

Ҳақиқатдан ҳам нафақат маданият, фан ва олий таълим соҳасидаги алоқаларнинг, балки сиёсий муносабатларнинг ҳам ўрнатилиши ва ривожланиши йўлида жиддий тўсиқ бўла оладиган бу нозик мавзунинг муҳим жиҳати шундан иборатки, «Буюк Эрон» концепцияси нафақат эронлик тарихчилар томонидан ўртага ташланмоқда, балки бу давлатдаги тарих китоблари, жумладан мактаблар ва олий ўқув юртлари дарслкларидан жой олиш воситасида Эрон ҳукумати томонидан ҳам тасдиқланмоқда. «Буюк Эрон» концепцияси тарғиботи шу даражага етдики, бугунги кунда Эрон аҳолисининг аксарият қисми Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг Россия истилосига қадар Эрон ҳудудига киргани, ушбу минтақанинг, жумладан Ўзбекистоннинг аҳолиси асосан эроний ва форсийзабон бўлганлигига ишонишади (?!). Туркистоннинг ва туркий халқларнинг тарихини бузиб кўрсатадиган «Буюк Эрон» концепцияси Эроннинг Ўзбекистон билан маданий алоқаларининг ўрнатилиши йўлидаги энг катта ва энг муҳим тўсиқ сифатида Ўзбекистон ҳукумати ва жамиятининг Эрон билан кенг маданий алоқалар ва ҳамкорликдан тийилишига сабаб бўлмоқда.

4.2. Маданий алоқаларда янги давринг бошланиши эҳтимоли ҳамда тўсиқларни бартараф этиши зарурати

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасининг янги президенти сифатидаги фаолиятининг бошланиши билан мамлакат «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» деб номланган ислоҳотлар дастури асосида ўз тарихий ривожланишининг янги даврига қадам қўйди⁴¹. Шавкат Мирзиёев ислоҳотлари нафақат мамлакат ичкарисидаги иқтисодий либерализация, сўз эркинлиги, ижтимоий муаммолар ечимларининг топилишига, балки Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар, айниқса Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларининг яхшиланишига олиб келди⁴². Жумладан Ўзбекистоннинг янги ҳукумати Эрон билан дўстона муносабатларни чуқурлаштириш ва

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/3107036>

⁴² Элдор Туляков, Фарруҳ Ҳакимов. Марказий Осиё давлатлари билан дўстона ҳамкорлик – Ўзбекистон ташки сиёсий фаолиятининг устувор йўналиши. 03 Апр. 2021 й. // <https://strategy.uz/index.php?news=1278&lang=uz2>

кенгайтиришга истак билдири⁴³. Ўзбекистон ва Эрон президентлари Шавкат Мирзиёев ва Сайд Иброҳим Раисийнинг бир йил ичида уч марта учрашиши (икки марта – 2021 йилнинг сентябрь ва ноябрь ойларида Душанбе ва Ашхобод шаҳарларида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари саммитлари доирасида, бир марта 2022 йил сентябрь ойида Раисийнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида)⁴⁴ икки давлатнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларида янги даврни бошлашга бўлган сиёсий иродасини кўрсатади.

Бундан ташқари сўнгги ўн йилликларда Эрон томонидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги муҳим шерик сифатида, жумладан, маданий алоқаларни ривожлантириш соҳасидаги ролига кўпроқ ургу берадиганлиги кузатилмоқда. Жумладан эронлик эксперт Жаъфар Ҳақпаноҳ шундай деб ёзади: «Ўзбекистон Эрон геомаданият ва цивилизацион маконида жойлашганлиги сабабли ўзига яқин бўлган бошқа республикаларга нисбатан «маданий ота» ролини бажаради. Тоҷикларнинг эронликларга маданий боғлиқлиги ҳамда яқинлиги ва қариндошлигига қарамасдан, ўзбеклар уларга нисбатан ёрқинроқ ва муҳимроқ ўтмишга эгадирлар»⁴⁵.

Томонларнинг бундай иродаси, истаги ва уринишларининг натижаси ва самараси ўлароқ 2022 йилнинг 20-21 февраль кунлари Техрон шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг ўн тўртинчи мажлиси доирасида икки давлат ўртасидаги илк маданий ҳамкорлик хужжати – Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислом Республикаси ҳукуматлари ўртасида Маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандуми имзоланди. Дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда томонларни икки мамлакат жамияти ва маданияти билан таништириш максадида тузилган ушбу Англашув меморандумида икки мамлакатда бўлиб ўтадиган маданият ва санъатга оид тадбирлар ва ийтилишларда иштирок этиш, маданий мерос, тил ва адабиёт ҳамда туризм

⁴³ سید هادی زرقانی، ابراهیم احمدی، علی حکیمی خرم. اهمیت نقش و جایگاه دیپلماسی فرهنگی در بسط روابط ایران و ازبکستان // فصلنامه علمی- پژوهشی پژوهشی سیاسی جهان اسلام انجمن مطالعات جهان اسلام. سال دهم، شماره دوم، تابستان 1399. ص 31.

⁴⁴ Эрон ва Ўзбекистон Президентларининг учрашуви — икки давлат муносабатлари бурилиш нуқтаси ва ёруғ истиқбол белгисидир. ЎзА. 18:42 / 12.09.2022 // https://uz.a.uz/posts/eron-va-ozbekiston-prezidentlarining-uchrashuvi-ikki-davlat-munosabatlari-burilish-nuqtasi-va-yorug-istiqbol-belgisidir_406654; Ўзбекистон – Эрон муносабатларида янги давр. ЎзА. 02:19 / 15.09.2022 // https://uz.a.uz/posts/ozbekiston-eron-munosabatlarida-yangi-davr_407501

⁴⁵ حق پناه، جعفر و همکاران. قدرت نرم ایران در آسیای مرکزی و فقراز. – تهران: موسسه ابرار معاصر، 1393. ص 136.

соҳаларида ҳамкорлик қилиш, шунингдек, маданият соҳасидаги ҳамкорлик бўйича қўшма қўмита тузиш кўзда тутилган⁴⁶. Эрон Ислом Республикаси президенти Сайд Иброҳим Раисийнинг Самарқанд шаҳрига амалга оширган ташрифи чоғида илм-фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги қўйидаги тўрт янги ҳужжат имзоланди:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан Эрон Ислом Республикаси Фан, тадқиқотлар ва технологиялар вазирлиги ўртасида Фан, тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Англашув меморандуми;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Эрон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида Фан, техника ва инновациялар соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Англашув меморандуми;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан Эрон Ислом Республикаси Архив ва Миллий кутубхона ташкилоти ўртасида Кўлёзма асарларни ўрганиш ва нашр этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Англашув меморандуми;

Ўзбекистон Ибн Сино жамоат фонди билан Эрон Бу Али Сино илмий-маданий фонди ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Англашув меморандуми⁴⁷.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Эроннинг, умуман, барча соҳалардаги муносабатлари, хусусан, маданият соҳасидаги алоқаларининг янги ва ёрқин истиқболларидан дарак беради. Аммо, ушбу муҳим ҳужжатлар имзоланганига қарамасдан, юқорида эслатиб ўтилган тўсиқлар бартараф қилинмаса ёки бошқа ҳар қандай шаклда сақланиб қолса, маданий алоқаларнинг нафақат ривожланиши ва мустаҳкамланишини, балки ҳатто бугунги даражада сақланиб қолинишини кутиб бўлмайди.

Бундан ташқари Ўзбекистон ва Эрон сўнгги бир йил ичида имзолашга муваффақ бўлган маданий ҳамкорлик тўғрисидаги ушбу ҳужжатларнинг барчаси томонлар зиммасига мажбурият юкламайдиган Англашув меморандумлариdir. Икки давлат ўртасида томонларга мажбурият юклайдиган муҳимроқ ҳужжатлар – маданият, фан ва таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар тузиш ва имзолаш масаласининг ҳалигача кўтарилимаганлиги томонларнинг маданий алоқаларни ҳақиқий тарзда ривожлантириш ва чукурлаштиришга бутунлай тайёр эмасликларини кўрсатади.

⁴⁶ نخستین تفاهم نامه فرهنگی بین ایران و ازبکستان منعقد شد. ۱ اسفند ۱۴۰۰، ۱۵:۴۲ // خبرگزاری مهر // <https://www.mehrnews.com/news/5429153>

⁴⁷ Ўзбекистон – Эрон муносабатларида янги давр. ЎзА. 02:19 / 15.09.2022 // https://uz.a.uz/uz/posts/ozbekiston-eron-munosabatlarida-yangi-davr_407501

Гапнинг хуносаси шундан иборатки, Ўзбекистон мустақилликка эришган пайтдан бошлаб бу давлат билан барча соҳаларда, жумладан маданий соҳада алоқалар ўрнатишга уринаётган Эрон бундай алоқаларга ҳақиқатдан ҳам тўсқинлик қилаётган ушбу масалаларнинг Ўзбекистон учун аҳамиятини англаған ҳолда, мазкур муаммолар ва тўсиқларни бартараф қилиш чораларини кўриши керак. Ҳақиқатда бугун Эрон ушбу масалада қўшийўл бошида турган бўлиб, бу масаланинг тақдири кўпроқ ушбу давлатнинг ўзига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

ХУЛОСА

1. Тегишинча Марказий Осиё ва Ғарбий Осиёнинг муҳим давлатлари ҳисобланган Ўзбекистон ва Эрон Ўзбекистон мустақилликка эришган пайтдан бошлаб ўзларининг стратегик сиёсий ва иқтисодий эҳтиёжларидан келиб чиқиб ушбу эҳтиёжларни қондириш мақсадида муайян алоқалар ва ҳамкорликни амалга ошириб келмоқдалар. Шу пайтга қадар Ўзбекистон Республикаси президентининг Эрон Ислом Республикасига тўртта ташрифи ва Эрон Ислом Республикаси президентининг Ўзбекистон Республикасига учта ташрифи амалга ошиди. Давлат раҳбарларининг ушбу ташрифлари ва учрашувлари давомида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, икки мамлакатнинг икки томонлама ва қўп томонлама форматлардаги ҳамкорлигининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Шу кунга қадар икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларга оид 70 дан ортиқ давлатлараро, хукumatлараро ва идоралараро хужжат имзоланган.

2. Эрон билан Ўзбекистон (Туркистон тарихий минтақасининг юраги сифатида) қадим замонлардан маданий алоқалар, ҳамкорлик ва алмашинувга эга бўлган бўлиб, Аҳамонийлар даврида зардўштийлик динининг ҳар иккала ўлкада ёйилиши, Сосонийлар даврида моний ва христиан динларининг Эрон орқали Марказий Осиёга кириб келиши ҳамда турк ва форс тилларининг бир-бирига таъсири, ислом даврида форс тилининг Туркистонда турк тилидан ташқари хужжатлар ва ёзишмалар олиб бориладиган икки расмий тилдан бири сифатидаги ҳамда туркий ва араб тиллари билан бир қаторда, илм-фан ва адабиётнинг уч тилидан бири сифатидаги эътибори ва мақомини сақлаб қолиши, шунингдек, ислом даврида Эронда туркий тилнинг ёйилиши туркистонликлар ва эронликлар ўртасидаги маданий алмашинувнинг энг муҳим унсурларидан бўлди.

3. Кўпчилик эксперtlар ва таҳлилчиларнинг ислом инқилоби экспорти тўғрисидаги прогнозлари ва хавотирланишларига қарамасдан Эрон Марказий Осиёning эндиғина мустақилликка эришган давлатлари билан алоқаларини прагматизм ва *realpolitik* асосига қурди ҳамда ўзининг бу давлатлар билан маданий алоқаларида ислом инқилобини экспорт қилиш концепциясидан фойдаланмади.

4. Кўплаб тарихий-маданий муштаракликларга эга бўлган икки давлат – Ўзбекистон ва Эрон маданий алоқалари Ўзбекистон мустақилликка эришган пайтдан буён ўтган уч ўйниллик давомида сиёсий ва мафкуравий сабаблар туфайли унчалик даражада ривожланишга эришмади. Икки давлат ўртасида санъаткорларнинг икки мамлакатда ўtkaziladigan маданий тадбирлар (кўргазмалар ва форумлар)даги иштироки каби умумий маданий бордикелдилар амалга оширилаётган бўлса-да, маданият ва олий таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимларнинг мавжуд эмаслиги икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларнинг институтлаштирилмаганлигини қўрсатади. Бу эса ўз навбатида бу соҳадаги алоқалар йўлида муайян тўсиқлар ва муаммолар мавжудлигидан дарак беради.

5. Уч масала: Эрон ислом инқилобини экспорт қилиш концепцияси, Ўзбекистонда яшовчи тожиклар сепаратизмини қўллаб-қувватлаш эҳтимоли ҳамда ўтмишда Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон Эроннинг бир қисми – унинг шимоли-шарқий вилояти бўлган ва бу ўлка цивилизацияси тамомила эроний халқларга тегишли, деб уқтирадиган «Буюк Эрон» концепцияси ўзбекларнинг хавотирланишлари ҳамда Эрон билан кенг муносабатлар, жумладан яқин маданий алоқалардан тийилишларига сабаб бўлмоқда. Эрон ислом инқилоби гояларининг минтақада ёйилиши тўғрисидаги қўрқинчли прогнозлар тўғри бўлиб чиқмаган ва амалга ошмаган бўлса-да, бошқа икки омил: Эроннинг Ўзбекистондаги тожиклар сепаратизмини потенциал қўллаб-қувватлаши ҳамда «Буюк Эрон» концепцияси ёки турклар ва Туркистон тарихини бузуб қўрсатиш Ўзбекистон илмий ва экспертлик доираларининг эътиrozлариага сабаб бўлиб, Эроннинг бу давлат билан маданий алоқаларининг ривожланиши йўлидаги муҳим ва ҳақиқий тўсиқ ҳисобланади.

6. Агар Эрон ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон билан яқин маданий алоқалар ўрнатиш ва келажакда ушбу алоқаларни кенгайтириш ниятида бўлса, мазкур омиллардан келиб чиқадиган ушбу муаммолар ва тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўриши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР **Ўзбек тилида**

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг кадимги даврдан Россия босқинига кадар) // Масъул муҳаррир: Б. Ахмедов. – Т.: «Шарқ», 2001.
2. Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи. - Тошкент: Университет, 2007.
3. “Ипак йўли дурдонаси” XIV Халқаро Тошкент кинофестивали. ЎзА. 14:01 / 23.09.2022 // https://uza.uz/uz/posts/ipak-yoli-durdonasi-xiv-halqaro-toshkent-kinofestivali-haqida-oylar_410257
4. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-сүғд муносабатлари. Монография. –Т.: ART-FLEX, 2010.
5. Ўзбекистон - Эрон: дипломатик алоқаларга 28 йил. Дунё АА. 09.05.2020 // https://dunyo.info/cyrl/site/inner/ozbekiston - eron_diplomatik aloqalarga 28_yil-YVq
6. Ўзбекистон - Эрон илм-фан ва инновация форуми бўлиб ўтди. ЎзА. 21:40 / 20.07.2022 // https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-eron-ilm-fan-va-innovaciya-forumi-bolib-otdi_391609
7. O‘zbekiston Respublikasining O‘rta, Yaqin Sharq va Afrika davlatlari bilan hamkorligi. O‘zbekiston Eron munosabatlari // <https://mfa.uz/uz/pages/with-asia-africa>
8. Ўзбекистон – Эрон муносабатларида янги давр. ЎзА. 02:19 / 15.09.2022 // https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-eron-munosabatlarida-yangi-davr_407501
9. Ўзбекистон - Эрон сиёсий маслаҳатлашуви тўғрисида. ЎзА. 22:37 / 08.03.2021 // https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-eron-siyosiy-maslahatlashuvitogrisida_247286
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/3107036>
11. Элдор Туляков, Фарруҳ Ҳакимов. Марказий Осиё давлатлари билан дўстона ҳамкорлик – Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг устувор йўналиши. 03 Апр. 2021 й. // <https://strategy.uz/index.php?news=1278&lang=uz2>
12. Эрон ва Ўзбекистон Президентларининг учрашуви — икки давлат муносабатлари бурилиш нуқтаси ва ёруғ истиқбол белгисидир. ЎзА. 18:42 / 12.09.2022 // <https://uza.uz/uz/posts/eron-va-ozbekiston-prezidentlarining->

[uchrashuvi-ikki-davlat-munosabatlari-burilish-nuqtasi-va-yorug-istiqbol-belgisidir 406654](#)

13. Хавфсизлик бўйича Ўзбекистон ва Эрон ҳамкорлиги йўлга қўйилди. ЎзА. 21:00 / 09.03.2022 // https://uza.uz/uz/posts/havfsizlik-boyicha-ozbekiston-va-eron-hamkorligi-yolga-qoyildi_353606

14. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси // <https://lex.uz/ru/docs/3107036>

15. www.press-uz.info 21.02.2007.

Рус тилида

16. Бадер А., Гаивов В., Кошеленко Г. Мервская метрополия Архивная копия от 7 июля 2012 на Wayback Machine // Традиции и наследие Христианского Востока. Материалы международной конференции. Москва: Индрик, 1996.

17. Бартольд В.В. Сочинения. Том 2. Часть 1. Общие работы по истории Средней Азии [Ответственный редактор тома: Б. Г. Гафуров. 1-я часть II тома подготовлена к изданию В. А. Ромодиным и Б. Я. Стависским]. – М.: Изд-во Восточной литературы, 1963.

18. Бируни Абурайхан. Т. I // Памятники минувших поколений. — Ташкент: Издательство УзбССР, 1957. С. 330.

19. Боголюбова Н.М., Николаева Ю.В. Внешняя культурная политика современного Ирана: Российский вектор // ПОЛИТЭКС. 2020. Том 16, № 1. С. 101-112.

20. Джонстон Уильям. Культурная политика Ирана в республиках Центральной Азии и Южного Кавказа после 1991 года // Центральная Азия и Кавказ. №4 (52), 2007. С. 126-140.

21. Камолиддин Ш.С. Происхождение Саманидов. Ташкент: IFEAC, 2008. - 116 с.

22. Месамед В.И. Иран в Центральной Азии: два десятилетие диалога / В.И. Месамед. -М.: Институт Ближнего Востока, 2010.

23. Мехдиев Э.Т. Состояние и перспективы отношений Ирана со странами Центральной Азии и Закавказья. // Международные отношения, №4, 2017.

24. Уостиндж Эдвард. Внешняя культурная политика Ирана в Центральной Азии: демонстрация политического pragmatizma // Центральная Азия и Кавказ. – 2014. Том 17. Выпуск 4. С. 131-144.

25. Холмуродова Зарина Исмоиловна. Взаимоотношение Ирана и стран Центральной Азии: состояние и перспективы // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата политических наук. Душанбе, 2018.

26. Хуастванифт (Манихейское покаяние в грехах) / Предисловие, транскрипция уйгурского текста, перевод Л. Ю. Тугушевой; комментарий А. Л. Хосроева. — СПб : Нестор-История, 2008.

27. Эрназаров Т. О научных связах Института востоковедения АН РУ с зарубежными ориенталистами // Общественные науки в Узбекистане, 2001, №3. С. 51.

Инглиз тилида

28. Byman D. et al. Iran's Security Policy in the Post-Revolutionary Era. Santa Monica, CA: RAND, 2001.

29. Iranian Official in Uzbekistan to Hold Talks with Cultural Figures // Islamic Republic News Agency (IRNA), 21 August 2006.

30. Maltzahn N. von. The Syria-Iran Axis: Cultural Diplomacy and International Relations in the Middle East. London, New York: I.B. Tauris, 2013.

31. Malandra •William W. (2009). Zoroaster ii. General Survey. Encyclopædia Iranica. // <https://iranicaonline.org/articles/zoroaster-ii-general-survey>

32. Peimani H. Regional Security and the Future of Central Asia: The Competition of Iran, Turkey and Russia. Westport. Connecticut: Praeger, 1998.

Форс тилида

33. حق پناه، جعفر و همکاران. قدرت نرم ایران در آسیای مرکزی و قفقاز. – تهران: موسسه ابرار معاصر، 1393.

34. سجاد آیدنلو. نگاهی به واژه های ترکی شاهنامه فردوسی // متن شناسی ادب فارسی (علمی-پژوهشی) دانشکده ادبیات و علوم انسانی- دانشگاه اصفهان. دوره جدید، شماره 2 (پیاپی 24) تابستان 1396. صص 11-36.

35. سیدهادی زرقانی، ابراهیم احمدی، علی حکیمی خرم. اهمیت نقش و جایگاه دیپلماسی فرهنگی در بسط روابط ایران و ازبکستان // فصلنامه علمی-پژوهشی پژوهش‌های سیاسی جهان اسلام انجمن مطالعات جهان اسلام. سال دهم، شماره دوم، تابستان 1399. صص 31-56.

36. موسوی، مصطفی. واژگان ترکی و مغولی تاریخ جهانگشای جوینی // آینه میراث. سال نهم. شماره سوم و چهارم (پیاپی 30-31). صص 57-89.

37. نخستین تفاهم نامه فرهنگی بین ایران و ازبکستان منعقد شد. ۱ اسفند ۱۴۰۰، ۱۵:۴۲ // خبرگزاری مهر // <https://www.mehrnews.com/news/5429153>

38. نقیب زاده احمد. ایران کانون چند زیرسیستم منطقه ای // مطالعات اوراسیای هزکزی، سال دوم، شماره 5، زمستان 1388. صص 139-152.

39. خبرگزاری جمهوری اسلامی، 2006/11/03 // www.irna.ir

НОМЛАРИ ЭСЛАТИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР

Форс тилида

1. ابراهیم خدایار. حوزه فرهنگی-تمدنی ایران در آسیای مرکزی // فصلنامه مطالعات ملی؛ سال چهاردهم، شماره 2، 1392. صص 27-48.
2. اسلام کریم اف. اصلاحات اقتصادی در ازبکستان. با مقدمه محسن پاک آبین // دفتر مطالعات سیاسی و بین المللی. - تهران، 2006/1385.
3. اسماعیل حسن زاده، احمد امیری خراسانی. زبان فارسی-گویش تاجیکی // مجموعه مقالات یازدهمین گردهمایی بین المللی انجمن ترویج زبان و ادبیات فارسی. رشت. دانشگاه گیلان. شهریور 1395. صص 705-725.
4. حبیب الله ابوالحسن شیرازی. روابط خارجی جمهوری اسلامی ایران و تاجیکستان؛ بستر های همگرایی و زمینه های واگرایی // فصلنامه مطالعات روابط بین الملل، سال یازدهم، شماره 42. تابستان 1397. صص 9-40.
5. حسینی پور، مسعود. زبان فارسی: از فارسی به تاجیکی / شرح کتاب پروفسور لوتنز ژهانک، استاد دانشگاه هومبولت برلین // مجله بخارا. مرداد و شهریور 1392 - شماره 94. صص 53-84.
6. دستاوردهای مهم کاہش تنش ازبکستان و تاجیکستان. // شبکه مطالعات سیاستگذاری عمومی، 4 مهر 1397: <http://npps.ir/ArticlePreview.aspx?id=182286>
7. شقایق حیدری. شکاف تاجیک ازبک در ازبکستان؛ علل و زمینه ها // موسسه آینده پژوهی جهان اسلام، 15 مهر 1396: <http://www.iwfs.com/islam-world/islam-world-notes-and-papers/869>
8. شهره جوادی. پاره های گمگشته ایران هنر و تمدن در خراسان بزرگ و مواراءالنهر آسیای میانه // فصلنامه هنر و تمدن شرق. سال دوم. شماره ششم. زمستان 1393. صص 10-21.
9. ولی کوزه گر کالجی. بهبود مناسبات ازبکستان و تاجیکستان؛ آیا خواب دوشنبه و تاشکند تعبیر خواهد شد؟ // موسسه مطالعات ایران و اوراسیا (ایراس)، 27 فروردین 1396:
10. ولی کوزه گر کالجی. دلایل و پیامدهای غیرامنیتی سازی در روابط ازبکستان و تاجیکستان // فصلنامه علمی مطالعات آسیای مرکزی و قفقاز. دوره 24، شماره 104 ، بهمن 1397 ، صفحه 119-156.
11. ولی کوزه گر کالجی. تاملی بر وضعیت تاجیکان ازبکستان در دوره رهبری شوکت میرضیایف // مرسسه مطالعات راهبردی شرق. ۱۸ اسفند ۱۳۹۷: <https://www.iesr.ir/fa/note/1872>
12. همدانی، آزیتا. مواراءالنهر از آغاز تا امروز // موسسه مطالعات ایران و اوراسیا. سال 4 شماره 4 سال 1388. صص 5-32.